

**Банк Бошқарувининг 2020 йил 3 декабрдаги 129-сонли қарори билан
тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга
ошириш Тартиби”га киритилаётган қўшимчалар**

1. Тартиб қуйидаги таҳрирдаги бўлим билан тўлдирилсин:

“XII. Қўшимча қоидалар

208. Бош банк ва филиаллар эҳтиёжи учун электрон дўкон, аукцион, танлов ва тендерлар орқали харид қилиниши лозим бўлган товар (иш, хизмат)ларнинг бир бирлик баҳоси ёки уларнинг жами баҳоси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) бараваридан кўп бўлган ҳолатда буюртмачи нарх экспертизасини амалга ошириши лозим.

209. Харид комиссияси, йирик харид комиссияси, кичик харид комиссияси ҳамда тендер комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарор лари барча иштирокчилар учун мажбурийдир. қабул қилинган қарорга асосан тузиладиган шартномаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш фақатгина комиссия рухсати билан амалга оширилиши лозим.

210. Бош банк ва филиалларда ўтказиладиган танлов (тендер) натижасида ҳамда тўғридан-тўғри тузиладиган харидларга оид шартномалар, контрактлари ва импорт контрактлари харидларини амалга оширишга масъул таркибий бўлинма (масъул ходим) хабардорлигида расмийлаштирилиши шарт.

2. Тартибнинг VIII.“Якуний қоидалар” бўлими XIII “Якуний қоидалар” бўлимига ўзгартирилсин ва 208-213-бандлари тегишинча 211-216-бандлари деб ҳисоблансин.